

РОССИЯНИНГ БОШ УНИВЕРСИТЕТИ

Бу йил нафақат Россия, балки дунёда ётачки мавқега эга бўлган билим даргоҳларидан бири — М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети ўзининг 250 йиллик юбилейини нишонлайди. XVII аср ўрталарида ташкил топган ушбу дорилфунун узок йиллик тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтди ва бугун Европанинг йирик илмий марказларидан бирига айланган. 27 факультет, 354 кафедра, 11 илмий-тектириш институти, 4 музей, 40000 нафар талаба (уларнинг 5000 дан ортиғи дунёнинг 80 мамлакатидан келиб таълим олади), 9000 га яқин профессорлар, ўқитувчилар ва илмий ходимлар, 170 нафар академик, 7000 нафар фан докторлари ва номзодлари... бу кўрсаткичларнинг барчаси юқоридаги фикрларнинг далилидир.

МДУ юбилейини Россия Президенти Фармони ҳамда ЮНЕСКО қарори билан кенг миқёсда нишонлаш кўзда тутилган. Шу муносабат билан кўплаб йирик тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда университетни турли даврларда битириб, ҳозир бутун дунёга машҳур инсонларга айланган собиқ битирувчилар бир жойга тўпландилар. Тадбирда Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди. Делегация таркибига қатнашган, МДУда Олий таълим иктисодиёти, инвестиция ва маркетинг соҳасида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган иктисод фанлари доктори Муҳаммад-

Али Саидовдан ўз таассуротлари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик. Куйда шу сўхбат жузъий қисқартишлар билан эълон қилинмоқда.

— Бизнинг делегациямиз 10 нафар олимдан ташкил топган эди. Улар орасида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори, профессор Р.Ашуров, Тошкент давлат иктисодиёт университети ректори, академик С.Фулмонов, Қорақалпоғистон давлат университети ректори К. Утениёзов, Қарши давлат университети ректори Г.Худайбергенов, академик О.Салимов, профессор Ш.Алимов қабили бар.

Биз учун бу сафар эски кадрдонлар билан учрашув маъносидангина эмас, аввало, дунёнинг энг йирик университети билан бириктирилиб олиб борилаётган ишлар билан танишиш мамлакатимиз олий таълими вакиллари ни бебаҳо таъриб билан бойитганлиги ва 2001 йилда В.А.Садовничий Тошкентга келиб имзолаган МДУнинг Ўзбекистон олий ўқув юртли билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимини ҳаётга таъбиқ этишда жиддий қадам бўлганлиги учун ҳам ўта муҳим аҳамият касб этди.

1997 йилда Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганда, Москва Давлат университети биринчилардан бўлиб, бу ҳужжатларни ёқлаб чиқди. Ўзбекистон Президенти Ислому Абдуға-



ниевич Каримовнинг МДУ фахрий профессори этиб сайланиши ҳам уларнинг халқро микёсдаги эътирофи эди. Юқорида тилга олинган 2001 йилдаги академик Садовничийнинг

Ислому Абдуғаевичи Москва давлат таърифи билан МДУда, МДУда маъруза ўқиди ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури юзларини бирма-бир очиб берди. Кейинроқ у «Alma mater» ил-


этганлиги жуда муҳимдир. Натижада кейинги йилларда Ўзбекистондан икки юздан ортиқ ёш олимлар МДУда таъриб ортириб қайтидилар. Бугун Россиядаги бош ўқув даргоҳининг бакалавриатураси, магистратураси ҳамда аспирантурасида бизнинг талаба ва аспирантларимиз таълим олмақда ва МДУда кириш имтиҳонларидан ўтишга қодир бўлган барча учун йўл очиб, Шунинг алоҳида айтаётгани керакки, МДУда хориждан келган талабалар учун дунёнинг энг бой мамлакатларига ҳам хос бўлмаган тартиб ўрнатилган: университетга

дек, «Таълим сифатини бошқариш», «Олий таълим иктисодиёти, инвестициялари ва маркетинги» каби монографияларнинг тақдирот маросимини ўтказган, уларни кутубхонага совға қилдик. Шундай қилиб, МДУнинг талаба ва профессори ўқитувчилари университетидаги тармоқ орқали Ўзбекистонда очиб фуқаролик жамаиятининг шаклланиши, барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда юртимизнинг улкан имкониятлар мамлакатимиз эканлигини воқиф бўлиши мумкин. В.А.Садовничийнинг жавоб совғаси ҳақиқатан ҳам ажойиб бўлди: Тошкент давлат иктисодиёт университети кутубхонаси беш юздан зиёд турли илмий йўналишлардаги янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари

Ҳарбий Базада портлаш
Ироқнинг Мосул шаҳридан унча узок бўлмаган Америка ҳарбий базасида портлаш содир этилди. Бу ҳақда АҚШ қўмондонлиги маълум қилган. Дастлабки маълумотларга қараганда, 24 одам қурбон бўлди. Шулардан 19 нафари америкалик аскарлардир. 50 кишидан ортиқ одам жароҳатланди. Айтилганда кутқарув ишлари амалга оширилмоқда. Террорчи гуруҳларга қарши интернет сайтларидан бирида айтилишича, мазкур хунрезликни «Ансар ал-Сунна» ташкилоти ўз зиммасига олган.

Гумондорлар қўлга олинмоқда

Испания суди жорий йилнинг март ойида Мадридда амалга оширилган террорчиликларда мароқашлик Ҳасан Хаскини алоқадор эканлиги тўғрисида расмий айблов эълон қилди. Хабарингиз бор, ушбу қўпорувчиликларда 191 киши ноубуд бўлганди.



Ўтган жума кунини Канар оролида яна уч шахс гумон қилиниб қўлга олинди. Шу билан Мадрид воқеаларида айбланганлар сони 17 нафарга етди.

Исроилга таъриф

Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Исроилга расмий таъриф буюрди. Хукумат раҳбари Қуддусда Исроил Бош вазири Ариэль Шарон билан учрашди. Тони Блэр сафар чоғида Рамаллоҳ шаҳрида ҳам бўлиб, Фаластин етакчилари Махмуд Аббос ва Аҳмад Қурей билан музокаралар олиб бориши кутилмоқда.

Муддатидан илгару

Келгуси йилда Россия Германияга олти миллиард долларлик қарзини тўлайди. Бу ҳақда журналистларга Россия молия вазири Алексей Кудрин маълум қилган.

Россия ва Германия вакиллари маслаҳатлашувларидан сўнг бўлиб ўтган матбуот анжуманида Германия канцлери Герхард Шрёдер келгуси йилдан Россия ўз қарзларини муддатидан илгару қайтаришни бошлашини маълум қилди.

Мозамбикнинг янги президенти

Мозамбикда 1-2 декабрь кунлари мамлакат президенти бўлиб сайловлар бўлиб ўтди. Миллий сайлов комиссияси сешанба кунини Арманд Гебуз галаба қилганлигини расман маълум қилди. Сайлов комиссияси берган маълумотда айтилишича, Гебуз 64 фоиз овоз тўлаган.

Унинг асосий рақиби Афонс Длакамани 32 фоиз сайловчилар қўллаб-қувватлаган, холос.

Скрпка йўқолди

Санкт-Петербургдаги шахсий коллекциялардан бирида 1734 йилда уста Яков Штайнер томонидан ясалган скрипка ўғирланган. 19 декабрь кунини 38 ёшли аёл ўз шахсий коллекцияси орасидан скрипка йўқолганлиги ҳақида милицияга хабар қилган. Тегишли натижасидан маълум бўлишича, ноёб иконалар ҳам ўғирлаб кетилган.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Тошкентга сафарига ҳам бош миссия давлатимиз раҳбарига фахрий профессорлик дипломини топириш бўлганди. Виктор Антонович ўша сафарни эслаб, шундай деди: «Биз жуда кўп нарсаларга гувоҳ бўлдик. Энг аввало, янгилик сибсатни, айтишим мумкинки, давлат таърибнинг нафақат миллий кадрларга, балки янги жамаият ва янги иктисодиётни илгару мавжуд бўлган энг яхши аъёнларни бузмасдан туриб, янгитдан барпо этишга асосланган ўзига хос моделини кўрдик. Таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар катта таассурот қолдирди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши эса айнан шу ислохотларни ҳаракатга келтирувчи марказий куч бўлиб хизмат қилмоқда. Мени энг ҳайратлантирган жиҳат, ўз гурури ва ифтихори билан тўлиб-тошган ёшлар бўлди... Улар ўзларини янги ҳаётнинг бунёдкорлари каби ҳис қиларди.»

— Ҳа, йилнинг май ойида

танлов асосида қабул қилинган чет эллик йигит ва қизлар бу ерда бепул таълим оладилар...

...Янги қуриб битказилган фундаментал кутубхона кўлами билан бизда қучли таассурот уйғотди. 55 минг квадрат метр майдонни эгаллаган бу кутубхона беш миллион жилд китобга мўлжалланган бўлиб, унда 20 та китоб сақлаш омбори, 25 та ўқув зали, ҳар бири 100 кишига мўлжалланган ўртта шаклини ўзгартиридан заллар, кинозал, шунингдек, ноёб китоблар қазинаси, махлислар зали, ўқув кенгашининг йиллиқ музейи ва бошқа бинолар бор. Айтиш керакки, биз янги кутубхонага қуруқ кириб бормадик: янги ахборот технологиялари асосида яратилган Президентимиз Ислому Каримов асарлари тўпламининг қаттиқ диска ёзилган электрон версиялари, шу йил «Труд» нашриёти унда нашр этилган «Дарвин белгилан берган инсон» асари, шунинг-

билан бойиди.

15 январда Давлат тарихий музейида МДУнинг 250 йиллигига бағишланган кўргазма ўз ишини бошлади. Умуман, университет 700 га яқин йирик тадбирлар режалаштирилган. МДУнинг 250 йиллиги ЮНЕСКОнинг тарихий саналари рўйхатига киритилган. Юбилей тантаналарида бошқа олий ўқув юртлининг делегациялари, дунёнинг 150 дан ортиқ университетлари вакиллари, буюк олимлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, Москва Давлат Университетининг дўстлари қатнашдилар. Етди тунги керакки, деб таъкидлади В.А.Садовничий биз билан сўхбатда, МДУнинг ҳар бир битирувчиси унинг нуфузига ва улкан имкониятларига ўз ҳиссасини қўшган. Бу сўзларни тинглаш мароқлидир, чунки улар бизга, ўзбекистонликларга ҳам қаратилган эди...

«Труд-7» газетасидан олинди.

Жаҳон матбуоти саҳифаларида

Маблағлар тўғри сарфланаяптими?

Ироқни қайта тиклаш ва мамлакатда издан чиққан иктисодиётни жонлантириш учун донор давлатлари миллиардлаб маблағ ажратиб беришмоқда. Бундан бир неча ҳафта олдин қатор давлатлар Ироқнинг деярли 80 фоиз қарзларидан воз кечишди. Айтилганда Муваққат ҳукумат бошқарувига ўтган мамлакат ўзи мустақил равишда асосий миллий бойлиги — нефтни хорижга экспорт қилмоқда. Мамлакат иктисодиётини қайта тиклаш учун анча-мунча маблағ ҳам йўғилиб қолди. Лекин ҳали бошқарув тизими тўлиқ қарор топмаган давлатда бу маблағ қандай сарфланаётгани бугун кўпчиликни қизиқтириши, табиий. Қолаверса, Муваққат ҳукумат иштиёрига икки жағмарга орқали маблағлар келиб

тушмоқда. Хусусан, АҚШ Конгресси 18,4 миллиард доллар ажратди. БМТнинг 1483-резолюциясига мувофиқ тузилган Ироқни ривожлантириш жағмараси ҳам бунда фаоллик кўрсатаётти.

«Financial Times» газетасида чоп этилган мақолада айтилишича, бошқарув Муваққат ҳукумат қўлига ўтгандан сўнг қиска муддат ичиде 20 миллиард доллар харажат қилинди. Асосли тахминларга қараганда, бу пуллар аниқ бир тизим орқали тарқалмаган. Келгуси ҳафтада БМТ аудиторлари Ироқ жағмар-

масидаги катта маблағ қай тарихи сарфланганини аниқлаштириб, ўз хулосаларини билдириши кутилмоқда.

Бир нарсани айтиш мумкинки, ривожланиш жағмарасидаги барча маблағ, шубҳасиз, расмий Бағдод томонидан назорат қилинмоқда. БМТ резолюциясида келтирилган бандга кўра, дастурлар тўлиқ бажарилишини назорат қилиш мақсадига Муваққат ҳукумат қошида кенгаш тузилганди. Бу кенгаш ироқликлар хоҳиш ва талабига қараб умуммиллатга тегишли маблағ қандай сарфлана-

ётганлигини кузатиб, барчага ошқор этиб бориши керак.

БМТ резолюциясига мувофиқ Халқаро валюта жағмараси, Жаҳон банки, БМТ ҳамда Араб ривожланиш жағмараси вакиллари билан иборат Халқаро комиссия тузилганди. Бироқ АҚШ билан юзага келган келишимовчиликлар туфайли ушбу комиссия фақат келгуси йилдан фаолият бошлайди.

Айтилганда икки аудиторлик фирмаси тайёрлаган ҳисоботда келтирилишича, Муваққат ҳукумат жағмарга маблағларидан самарали фойдаланишда етарли таърибга эга эмас.

Ироқ халқи сайловлар арасида турибди. Хукумат ана шу сайловлардан сўнггина тўлиқ халқ вакиллик бошқарувига ўтди. Ушундан барча соҳалардаги назорат демократик тамойиллар асосида ўрнатилди.

Юнус БҲУНОВ.
«Халқ сўзи» мухбири.

Миср пойтахтидаги «Аҳмад Шавқий» музейида «Мумтоз ва замонавий ўзбек амалий санъати маҳсулотлари кўргазмаси»нинг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Қоҳирада ўзбек санъати кўргазмаси

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағмараси ҳомийлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада ўзбек ижодкорларининг миниатюра, сўзана, тасвирий санъат, хунарамандчилик маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Шунингдек, нафис санъат мавзусига бағишланган махсус нашрлар ҳам кўргазмага таъриф буюраётганлар эътиборига ҳавола этилган.

Ўзбекистоннинг Мисрдаги Фавкулда ва Мухтор элчиси С. Иноғомов тадбир иш-тироқчиларига мамлакатимизда халқ амалий санъатини янада ривож топтириш, бой маданий мерос ва бетақдор кадрларимизни дунёга кенгроқ танитиш йўлида қилинаётган сай-ҳаракатлар ҳақида сўзлаб берди.

Миср маданият вазири ўринбосари Нодир Ҳафизнинг фикрича, мазкур кўргазма ўзбек амалий санъатини араб оламида кенг тарғиб этишда муҳим қадам бўлди ва бу каби тадбирлар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга, маданий алоқалар орқали ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

«Мумтоз ва замонавий ўзбек амалий санъати маҳсулотлари кўргазмаси» Миср марказий телевидениесининг учинчи канали, «Nile TV» ахборот канали ҳамда маҳаллий матбуот органлари, хусусан, «Ал-Ахром», «Ал-Мустақбал», «Ас-Сибсий» газеталарида кенг ёритилди.

«Жаҳон» АА.

GSM
UZDUNROBITA
first cellular

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭНГ КЕНГ GSM ТАРМОҒИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

«Уздунробита GSM» тармоғининг 2004 йилда кенгайиши

Доимий тараққиётга қўшилиш!

Янги йил SMS хизматлари (15.01.2005 йилгача ишлайди)	
SMS рақам	хизматлар
20050	help
20051	табриклар
20052	тоғталар
20053	хаттамалар
20054	контеллар
20055	мунозимлар бешорти
20056	расмлар
20057	мусиқалар

20050 рақамига (help) 1 SMS хабар юбориш нархи - 0,005;
Қолган рақамларга 1 SMS хабар юбориш нархи - 0,105.


Etisalat (OAZ) компанияси абонентлари билан халқаро SMS хабарлар алмашишуви хизмати ишга тушди

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

Хизматлар лицензиялаштирилган

Прагани забт этган йигит

... 2004 йил, 7 ноябрь. Чехия пойтахти Прагадаги ҳашаматли спорт саройида каратэнинг шатакан йўналиши бўйича навбатдаги халқаро мусобақа бўлиб ўтмапти. Майдонда мезбонлар вакили, каратэ бўйича жаҳон ва Европа чемпионатлари совриндори билан ўзбекистонлик спортчи Саидлазиз Бурҳонов беллашмоқда. Ҳамюртимиз Саидлазиз бор маҳоратини ишга солиб, рақибини мағлубиятга учратди. Унинг ғалабаси шарафига узоқ Европада Ватанимиз байроғи баланд кўтарилиб, Мадҳиямиз янгради...



Каратэ

киритган. Кўлаб халқаро турнирлар, китъа биринчиликлари ва бошқа нуфузли мусобақаларда совринли ўринлар соҳиби бўлган.

— Укам иккалаимизнинг шу даражага етишимизда отам Саидқосим Бурҳоновнинг хизматлари катта, — дейди Саидлазиз.

— Ёшлигимиздан машғулотларга доимо ўзлари бирга олиб бордилар. Бирорта мусобақани ўтказиб юбормасдан, доимо кўлабқувватлаб туришга ҳаракат қилдилар.

Ҳа, Бектемир тумани «Обод» маҳалласида истикомат қилувчи бу ёшларни, бемалол ўзбек каратэсининг келажаги, деб эътироф этиш мумкин. Улар билан кечгача суҳбатлашсангиз ҳам зерикмайсиз. Кўнгил кўйган спорт тури ҳақида шундай берилиб гапиришадими, баъзан ака-ука эканлигини унутиб, тортишиб ҳам кетишадими.

Спортнинг яққаураш турига ихлос кўйган ака-укаларда мана шу иштиёқ, интилувчанлик асло сўнмас, устозлари таъкидлаганидек, уларнинг келажаги ёруғ, омадли кунларга бой бўлади.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ногироннинг кўнгли юпун. Айниқса, у ёш бола, ё ўспирин бўлса. Юпунлиги шундаки, унча-мунча раҳму меҳрга кўнгли илимайди. Мана, биз Шўрчидаги 122-кар, ногирон болалар махсус интернат мактабининг 4-«А» синф ўқувчиси Эгамберди Тангиркулов билан суҳбатлашамиз. Эгамбердининг кўзи... ожирок. Ўқитувчилардан бири уни кўр, деб атаган экан, хафа бўлибди. Кўзи ожиз, яхшиси, ожирок, десангиз кўп хафа бўлмайди.

Чиндан ҳам уни кўр, деб бўлмайди. Кўзи ожиз, деб ҳам бўлмайди. Чунки, ёзги таътилдан қайтиб келиб, мактабга кириши билан, эҳ-ха, даргоҳимиз «мировой ремонт» бўпти-ю деб яйраб қувонди. (Чиндан ҳам мактаб Осие Тараққиёт банкнинг гранти билан 22 миллион сўмга таъмирдан чиқарилган эди).

Эгамберди бу ерга узоқ тумандан — Жарқўрғоннинг Навойи қишлоғидан келган. Кел-

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

ганига икки кун ўтиб, у мактаб синфхоналарида ва ҳовлисида адашмай юрадиган бўлди. Юзга яқин ўқитувчи-ю тарбиячиси овозидан тусмол

сув ичгани борганида, минг эҳтиёт бўлмасин, пойабзалини уша шилтага ботириб олади. Унинг адашгани ё хато қилгани — шу. Пошнаси

яқин китоб тортиқ қилишибди. Туман ҳокимининг Озода Ҳақимова деган муовини бу ерга кўп келиб турармиш. Ле-

экан. Уйлагани бўлмапти. Яна денг оёғидаям ўзига зах тортадиган пойабзал. Ишқилиб, болагина шамоллаб қолмасин-да. Ахир у ўзини ота-онасининг, элининг қорига ярайман, деб чоғлайди.

Мактабдаги 257 ўқувчи-тарбияланувчи қатори Эгамберди ҳам бола, ошпаз опаларни, бош ошпаз Турсунной Ҳақимовани яхши кўрар экан. Ошхона — озода. Ҳамишагидек, бугун ҳам тушликка макaron шўрва пишириляётган экан. Лекин... гўштингиз. Гулбой Эрматов деган таъминотчи, ошпазларнинг айтишича, ҳозиргина гўшт олиб келгани кетганмиш. Ишқилиб, қуруқ беришсалар ҳам эди.

Эгамберди яна ҳарҳар замонда пальтоси ёки ҳеч бўлмаса чопони йўқлигини эслаб қўяркан. Ахир, қиш кеп қолди-ку. Мактабнинг бўлса ўқувчиларини кийим-кечак билан таъминлашга мажбурияти йўқ. Яқинда у уйига бориб келти. Отам ё онам устимга чопон кийгизиб юборармикан, деб умид қилган

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кўзи ожиз боланинг Кўрганлари

қилиб, таниб олди. Энди бўлса доира, пианино чалишни ўрганапти.

Фақат бир жойда Эгамберди адашади. Адашади эмас, хато қилиб қўяди. Буям бўлса ўзлари бориб сув ичиб келадиган қувур тевараги. Қувурдан сув оқиб турадиган жой ўзимам кўмирхонанинг қаватида. Қувур тевараги кўмирнинг юқидан шилта бўлиб қолган. Мактаб ошхонасигам сув шу ердан ташилади. Эгамберди ошналар билан

қоралойга ботган пойабзал билан бўлса у ичкарига — синфхонага ё ётоқхонага киришда ўнғайсизланади.

Ётоқхоналари... яхши. Пойабзалини пойгакда ечиб қўйилса, яхши бўларди, лекин пол яланғоч, гиламча тўшмаган. Шунинг учун ҳамма ўзининг қаровоти ёнига пойабзали билан ўтади. Тўғри, ҳожаббарор одамлар мактабга у-бу ёрдами беришларти. Масалан, ҳомиярлар яқинда 54 номда 600 га

кин, кўмирхона сув қувурини бошқа томонга кўчириб, ётоқхоналарга гиламчалар ҳам тўшаб беришсалар эди.

Эгамберди яна ҳарҳар замонда пальтоси ёки ҳеч бўлмаса чопони йўқлигини эслаб қўяркан. Ахир, қиш кеп қолди-ку. Мактабнинг бўлса ўқувчиларини кийим-кечак билан таъминлашга мажбурияти йўқ. Яқинда у уйига бориб келти. Отам ё онам устимга чопон кийгизиб юборармикан, деб умид қилган

Ҳофиз ёди

Ҳоразм мумтоз қўшиқчилиқ санъатининг йирик сиймоси, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркманистон, Татаристон Республикалари халқ артисти Отажон Худойшукров ҳаёт бўлганда шу кунларда 60 ёшга тўларди.

У ўзининг эллик йиллик умри давомида мингга яқин мумтоз ва замонавий тароналарни маромига етказиб ижро этган.

Элликқалъа туманида бу санъаткорни хотирлашга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Уни туман ҳокими Н. Худойбергенов очди. Отажон Худойшукровнинг қўшиқчилиқ ва мусиқий мероси тўғрисида Ўзбекистон давлат консерваторияси проректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор Отаназар Матқубов маъруза қилди.

Илмий-амалий анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши Раиси Т. Тангирбергенов, пойтахтдан келган таниқли шоир ва ёзувчилар сўзга чиқиди.

Янгибой ҚУЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ғолиблар маълум бўлди

Аввал хабар берганимиздек, пойтахти-миздаги ЖАР спорт мажмуида таэквондонинг ИТФ йўналиши бўйича 9-16 ёшли рақибли бөлбога эга бўлган ўсмирлар ўртасида клублараро Ўзбекистон очик чемпионати бўлиб ўтди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, таэквондо ИТФ миллий ассоциацияси ҳамкорлигида Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб «Ёшлар гижҳандлик ва терроризмга қарши» шiori остида

уюштирган мусобақада Тошкент шаҳри ва вилояти, Андижон, Наманган, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари клублари вакиллари совринли ўринларни кўлга киритдилар.

Мусобақа Янги йил байрами арафасида ўтказилганлиги сабабли тадбир сўнггида ташкилотчилар томонидан Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар аъзоларига совғалар топширилди.

Ўз мухбиримиз.

Таэквондо

Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача бўлган газ, электр ва кўмир билан ишлайдиган сув иситиб берадиган қозонлар ишлаб чиқаради ва сотади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ ш. 16-«А» уй.
Телефонлар: 8 (371-71) 54-791, 54-082, 8 (371) 100-99-05.
e-mail: harakat_2004@mail.ru

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТКнинг КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ВА ТЕХНИКАВИЙ ҚАЙТА ҚУРОЛЛАНИШ ДИРЕКЦИЯСИ

«Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўл тизими (линияси), Бойсун — Қумқўрғон участкаси, «Бойсун» станцияси» объекти учун усқуналар ва материалларни етказиб бериш бўйича **ТАНЛОВ САВДОЛАРИ (ТЕНДЕР) ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Буюртмачи — «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК.
Молиялаштириш буюртмачи маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ташкилотлар ва корхоналар куйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдоридеги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлари (хизматлари) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, ўқшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Капитал қурилиш ва техникавий қайта қуролланиш дирекциясига куйидаги манзил бўйича мувожаат этиш мумкин: **Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 7-уй, 413-хона.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — эллик миң сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан куйидаги манзилда қабул қилинади: **Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 7-уй, 413-хона. Телефонлар: 138-88-81, 138-87-59.**

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охири муддати — оферталар очилиш кўни ва соатига қуйидаги манзилда: **Тошкент ш., Т. Шевченко к. 7-уй. Оферталар эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кундан сўнг очилади.**

O'ZSANOATQURILISHBANK

Хурматли мижозлар, акциядорлар, Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонлар!

«Ўзсаноатқурилишбанк» Сизларни Янги — 2005 йил билан самимий табриклайди.

Сихат-саломатлик, оилавий бахт, ишларингизга муваффақиятлар тилайди. Янги йил Сизларга қувонч, омад олиб келсин ва орзуларингиз ушалиши насиб этсин!

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ходимларингизга ойлик маошни халқаро

VISA Electron ва VISA Classic

пластик карточкалар ёрдамида тўлашнинг замонавий усулини тақлиф этади.

ОЙЛИК МАОШ ЛОЙИҲАСИ

Корхонангиз учун афзал томонлари:

- бухгалтерия касса операциялари ҳажми қисқаради;
- ойлик маош учун навбат кутишлар бўлмайди;
- нақд пул воситаларини сақлаш ва уларни ташиш хатарлари камаяди.

Ходимларингиз учун афзал томонлари:

- «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг барча бўлим, филиал ёки банкоматларидан нақд пул олиш имкониятига эга;
- товар ва хизматлар учун тўловларни VISA терминаллари ўрнатилган магазин ёки хизмат кўрсатиш муассасаларида амалга ошириш мумкин (шу жумладан маиший ва бошқа хизматлар учун);
- Сизнинг пулингиз ҳар куни Сиз учун ишлайди, ойлик маош ҳисобрақамидаги пул қолдигига фоиз тўланади ва тўлиқ ҳимояланиши кафолатланади.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ПЛАСТИК КАРТАЛАРИ — ХАВФСИЗ, ИШОНЧЛИ ВА САМАРАЛИ.

Маълумот учун телефонлар: 120-43-39, 120-45-46.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси «Ёшлар» радиоканали жамоаси катта муҳаррир Самар Жўраевага отаси **ЖУМА БОБОНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат иккинчи тиббиёт институти жамоаси тиббий профилактика факультети декани муовини **Н. Ж. Эрматовга** падари бузруквори **ЖУМАҚУЛ** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Разаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 264, 21387 нуқсадга босилди.
ҳажми — 2 тўбюк. Офсет усулида босилган.
Қопс бичими А-2
Газета IBM компьютерда термиди ва операторлар Жамил Тоғоев ва Баҳодир Файзиев томонидан сақлаланди.

Тахриратда ҳажми 5 қотондан эйд материаллар қабул қилинади.
(1) — Таъжират мизтрал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲАА яқуни — 21.30 Топширилди — 21.40 23456

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпшов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Донниров.
Мусахҳад — Ш. Манраббев.